



08.06.2022 жыл

“Оқ Түлпөр Електрот” ММЖК-ны Негізгі тәжіри Мекемесінің бюджеттік тарифтерінің 119 934 931 сұм узумына
жетекшілік түрде тариф № 42 - салынударға

ТҮРЛІ ТАРЫЛЫСТАР ЖАЛДАШЫ

бюджеттік тарифтердің салынудын көмекшілігі

251

Шартноманың анықтаудың датасы: 401 722 860 124 01 709 1 100 251 000

Сән ми

2022 й. ойлар номи.	Харжаттар түрлері*		Жами
	(бюджеттік тарифтердің тарифтерінің көмекшілігі)		
	423 22 00		
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель			
Май			
Июнь	418 824 831,00		418 824 831,00
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Жами ишті бүйінча	418 824 831,00		418 824 831,00

Жами 418 824 831 сұм

(түрт юз үн саккиз миллион саккиз жөн
йигирма түрт минг саккиз жөн үттис бир) сұм
сумма сүт билан

Юкоридаги күрсатылған суммадан 125 647 449,30 сұм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасыдан

% ***20 ойда тұланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблабы олувчи ва 6МЖ маблабы олувчи томонидан ғанағынан бұлғыннамасының негіз үстіндегі бағдарламасы;

(**) — бұлым, кичик бұлым ва қаржат моддасы күрсатылады;

(***) — Юкоридаги күрсатылған суммадан обига ____ % жорий ойнаннан ____ санағынча жар айда олдиндан тұланиши жөндеу (ушбу сәтр бюджет ташкилоти, бюджет маблабы олувчи ва 6МЖ маблабы олувчи томонидан қомундастырылатын көмекшілік тарифтердің көмекшіліктерінде қаржаттардың низардасынан жар ай доимий разынша товарлар (шаралар, хизметтер) етказыб берінші шартномалари бүйінчі олдиндан тұловини аманда ошираш холдердің түзілішінде);

Буюртмачы рахбары

Неманова Насиба Сафаровна

ФИЦ

М.У.

Буюртмачи бойшыншы

Ахметова Марыбад Асандына

ФИЦ

Газначилик бұлғыннамасының
ходими кабул килди

Буюртмачи ходими
қабул килди

“___” 20 ___.й.

“___” 20 ___.й.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 42

Навоий шаҳар.

2022 йил "09" июнь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Навоий шаҳар МГБ номидан «Низом» асосида иш кўрувчи раҳбар И.С. Исмаилова бир у томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Оғ Туриот Eletstroy" МЧЖ номидан «Устав» асосида иш кўрувчи А. Нарниев иккинчи томондан, бўйича қўйилади шартномани тузилилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асоссан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тутирисидаги далолатномалар хамда қурилиш нормалари ва қойдаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар ва бажарилган ишини буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ср участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вактингчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўринатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир боскичи ва/ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксилаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Навоий шаҳар З-ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишлари лойихада кўзда тутилган холда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, электрон танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг карори (2022 йил "06" июнданги баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда (ККС) жорий нархларда 418 824 831 (тўрт юз ўн саккиз миллион саккиз юз йигирма тўрт минг саккиз юз ўттиз бир) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди(конунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганди иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишини Буюртмачига мазкур шартларига мувофик топшириш;

Шартномага мувофик қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб беринш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони худудида вактингчалик иншоотлар курини;

Буюртмачини шартномалари түзилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар түзилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва маизили тўғрисида хабардор килиш, курилиш майдонида техника ҳафсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўринатиш.

курилиш таваккалчиликларини сутурта килиш;

курилиш майдони қўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кунтари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишига тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзолинган кундан бошлаб учун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқи бўлган курилиш майдонини обьект қурилиши ва курилиш тутгаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш. Пудратчидан тутгалланган ишларни кабул килиб олишини таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс берини ва жорий молиялаштиришини амалта ошириш;

мазкур шартнома имзолинган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация килган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - шартнома конун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан ____ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (ўттиз) фойзи миқдорида аванс ўтказади, бу 125 647 449,30 (бир юз йигирма беш миллион олти юз кирк етти минг тўрт юз кирк тўккиз) сўм 30 тийин ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тulos "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) хамда назорат куригидан ўтказилгандан сунг амалга оширилади.

16. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк хуқукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар обьектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришини мустакил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи обьектда ишларни олиб борини тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини берини тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва стишмаётгани тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тсишили тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларинга, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишида хабардор қиласди.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб қолишли, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қиласди, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишида узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини мухокама қиласдилар.

33. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хаклидир.

X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоиха хужжатларига хамда қурилиш мөъёлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажарни мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лоиха хужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиликлигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиши коидаларига мувофиликлигини кафолатлади.

Мавжуд нукусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюргачининг икки томонлами даюлатномасила кайд этилади

35. Пудратчи нукусонлар ва чада ишлар кўрсатилган даюлатномани тутилдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирла, уларни текнириб чинни "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларининг утибу масаласи бўйича хўжазик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюргачи:

шартнома кучига киргандан кейин қурилишини бошланиши Буюргачига боғлик бўймаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактта кечикирилганда;

ишларни тутганишининг мазкур шартномада белгиланган муддатни Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддаттага кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмагандан;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш мөъёлари ва коидаларидаги назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хуқукига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўймаган сабабларга кўра Буюргачи томонидан бир ойдан ортиқ муддаттага тұхтатиб кўйилганда;

Буюргачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандан;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хуқукига эга.

38. Шартнома бекор килинганда Буюргачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюргачига берилади, Буюргачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор килинганда айбор томон иккичи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларидаги мазкур шартномадаги назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон: иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларидаги мазкур шартномадаги назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортлади.

43. Мазкур шартномага кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюргачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюргачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюргачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюргачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилига нұксонлар ва кашинилар ўз вактида баргаралған этилмаганни учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборылған хар бир күн учун сифатсыз бажарылған ишлар кийматининг 0,5 фоизи мөндорида пеня тұлайтын, бунда пенянин умумий сұммасы сифатсыз бажарылған ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаселиги керек.

Пеня тұлаш Пудратчини ишларни бажарыпшының ёки хизметшарлар күрсатишининг көчкіши түфайли етказилған заарларни қоллашдан озод кылмайды.

46. Агар бажарылған ишлар сифати белгиланған стандартларға, курилыш мөндерлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг холосаси асосида обьектни кабул килип ва унни учун хак тұлашлан бош гортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 30 фоизи мөндорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарылмаганлиги учун мазкур моддада назарда туттилған жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонға бошқа томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилған фойзада ифодаланадиган пеня билан қолланмаган заарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборылғандыгы ёки мажбуриятларнинг бошқаси тарзда зарур даражада бажарылмаганлиги учун пеня тұлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажарыпшыдан озод кылмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажарыпшы ва бекор килиншида шунингдек етказилған заарларни қоллашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларига белгиланған гартибида хўжалик суди томонидан кўриб чикилади.

XV. Тарафларниң коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

50. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширипшада Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга карши курашиш тўғрисида" ги конун талабларига сўзсиз амал килади.

51. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган холда, ушбу шартнома доирасида конун бузилишта олиб келадиган харакатлар(харакатсизлик)га йўл кўймайдилар.

52. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги конун хужжатлари талабларига риоя этиш баробарида куйидагиларга йўл кўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик килиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноконуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишта бевосита ёки билвосита розилик бериш.

53. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг хар кандай шакдини ради етадилар жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблаглари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажарышни ушбу харакат(харакатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига хар кандай харакатни бажарышни.

54. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишида иккинчи тарафга нокуляйликлар тұғдириб, коррупцияий омил пайдо бўлишига бевосита хамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

55. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя кильмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш холатлари содир бўлған ёки содир бўлиши мумкин леб гумон килинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланған қоидалардан бири содир етилганда ушбу харакат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор килиши мажбуриятини ўз зиммасига олади хамда шартнома шартлари ёки конун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат киладилар.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

56. Мазкур шартнома имзоланғандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлған томонлар ўтасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

57. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида килемларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирои-бир учинчи томонға сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

58. Мазкур шартномага барча ўзгартириси ва кўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишида расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакиқий хисобланади.

59. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келалиган ҳар қандай ахдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши қерак.

60. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якулангандан кейин куришиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи куришиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашини кечкитиришига ҳаклилар.

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барта ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари юлланилади.

62. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга ма бўлган 2 (икки) нусхада тузилиди

63. Шартнома имзоланиб, Навоий шаҳар Газначиликдан рўйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати 31.12.2022 йилгача хисобланади.

XVII. ТОМОНЛАРИНИГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

ПУДРАТЧИ

БЮОРТМАЧИ

“Оқ Tulpor Eletstroy” МЧЖ
Юридик манзилгоҳ; Навоий вил
Кармана туман Варқ МФЙ
ТЕЛ: 98-278-21-71
Х\rp:20208000705428536001

Банк номи Ипотекабанк Навоий ф-ли
Банк коди(МФО) 00205
ИНН 308789357
ХХТУТ _____
КТУТ _____

Навоий шаҳар МТБ
Юридик манзилгоҳ; Навоий ш
Шодлик-6
ТЕЛ: 79-220-17-46
ШХ/Р: 401722860124017091100251003
ШХ/Р: _____

Ташкилот СТИР 305163782
ХХТУТ _____
КТУТ _____
Газначилик булими; Уз.Рес.Молия ваз Газначилиги
Ягона ғазна хисоб вараги
Газначилик х\rp:23402000300100001010

Банк номи Тошкент ш. Марказий банк
Банк коди(МФО) 00014
Газначилик СТИРи: 201122919
Рахбар Н.С.Исмаилова
(Ф.И.О.)



Рахбар

А. Нардиков



Мухр ва ишлар

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyihaning turi:

Pudrat shartnomasi.

2. Loyihaning nomi:

Navoiy shahar maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 14.06.2022 yilda qayta yuborilgan "Navoiy shahar maktabgacha ta'lif bo'limi va "Oq Tulpor Eletstroy" MChJ o'rjasida tuzilgan 42-sonli pudrat shartnomasi".

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Navoiy shahar maktabgacha ta'lif bo'limi. 14.06.2022 yil. (Hujjat 10.06.2022 yilda rad etilgan.)

4. X U L O S A :

Navoiy shahar maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 14.06.2022 yilda qayta yuborilgan "Navoiy shahar maktabgacha ta'lif bo'limi va "Oq Tulpor Eletstroy" MChJ o'rjasida tuzilgan 42-sonli pudrat shartnomasi" loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Navoiy shahar adliya bo`limi
yuridik xizmat ko`rsatish markazi
boshlig'i**



O.Kamilov

14.06.2022 yil.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 89351 на приобретение Навоий шахар МТБ қарашли З-ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 06.06.2022

Время рассмотрения 06.06.2022 15:57

Конкурсная комиссия МТБ марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе

Председатель комиссии	Исмаилова Наиба Сафаровна	Мулир	Навоий шахар МТБ
Секретарь комиссии	Шомуров Жалил Жамолович	ДХ ва шартномалар бўйинга хисобчи	Навоий шахар МТБ
Член комиссии	Ахмедова Марҳабо Аслоновна	Бош хисобчи	Навоий шахар МТБ
Член комиссии	Тилабов Шавкат Кучимович	Marsus ta'mirflash eksplutasiya xizmatlari bo'limi boshlig'i	Навоий шахар МТБ
Член комиссии	Жураева Дилнавоз Ибрагимовна	Навоий шахар МТБ Касаба уюшма раиси	Навоий шахар МТБ
Член комиссии	Бадалов Низомиддин Мухторбоевич	товар моддий кимматликлар хисобчиси	МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.06.2022 года № лота 89351.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по текущему ремонту административного здания
Подробное описание	Навоий шахар З-ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишларини сифатли ва киска муддатда бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	440 868 243.00
Стартовая сумма	440 868 243.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; тўғрисида тегишли ҳужжатлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BEHZOD KELAJAK NUR XK	25	25	20	Экспертная		
ISTIQBOL PORLOO KELAJAK МЧЖ	25	солиқлар ва йигимларни тұлаш бүйіча муддати үтган қарздорлықнинг мавжуд әмас	21	Экспертная		
MCIIQ OQ TULPOR ELETSTROY	25	Барчасы илова қилинди	25	Экспертная		
INVEST-2020 МСИИ	25	365920642	21	Экспертная		
ООО Е'ЗОЗ-ОВИ НАЙОТ LTD	25	МЧЖ га тегишли булған гувохнома, лицензия, ыиллик ҳисобетлар ҳамда автотранспорт хужжатлари илова қилинади	21	Экспертная		
М.М.О М.Ч.Ж. И.Т.К.Т	25	солиқлар ва йигимларни тұлаш бүйіча муддати үтган қарздорлықнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд әмас	21	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ	25	МАВЖУД 430500250	20	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	25	Илова қилинди 100%	21	Экспертная		
ООО BEHRUZ ABROR QURUVCHI	25	396781419	17	Экспертная		
ООО EKSPORT TENTER SERVIS	25	барча маълумотлар юкланди	21	Экспертная		
ARABGUZAR-NURI XK	25	Хужжатлар юкланди	20	Экспертная		
ООО BEKRUZ - AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI	25	368124983	20	Экспертная		

Критерий №2 шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BEHZOD KELAJAK NUR X K	40	40	20	Экспертная		
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	40	шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд	19	Экспертная		
MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY	40	Мавжуд	26	Экспертная		
INVEST-2020 MCHJ	40	365920642	24	Экспертная		
ООО Е'ЗОЗ-ОВИ HAYOT LTD	40	Банк айланмаси буйича, ушбу объектга якин бажарилган ишлар буйича хужжатлар.	24	Экспертная		
М.М.О М.Ч.Ж. И.Т.К.Т	40	шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслар	20	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ	40	МАВЖУД 430500250	19	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	40	Илова қилинди 100%	30	Экспертная		
ООО BEHRUZ ABROR QURUVCHI	40	396781419	21	Экспертная		
ООО EKSPORT TENGER SERVIS	40	барча маълумотлар юкланди	22	Экспертная		
ARABGUZAR-NURI XK	40	Барча хужжатлар юкланди	22	Экспертная		
ООО BEXRUY - AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI	40	368124983	26	Экспертная		

Критерий №3 Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти камидаги йил бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти камидаги йил бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BEHZOD KELAJAK NUR X	35	35	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
K						
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	35	Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти з йилдан күп.	19	Экспертная		
MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY	35	Мавжуд	24	Экспертная		
INVEST-2020 MCHJ	35	365920642	16	Экспертная		
ООО ЕЗОЗ-ОВИ НАЙОТ LTD	35	Куп йиллик иш тажрибасига эга ишчи ходимлар руйхати	12	Экспертная		
М.М.О М.Ч.Ж. И.Т.К.Т	35	Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти камида 3 йил	23	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVTS МЧЖ	35	МАВЖУД 430500250	14	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	35	Илова қилинди 100%	16	Экспертная		
ООО BEHRUZ ABROR QURUVCHI	35	396781419	17	Экспертная		
ООО EKSPORT TENTER SERVIS	35	барча маълумотлар юкланди	20	Экспертная		
ARABGUZAR-NURI XK	35	Барча хужжатлар юкланди	16	Экспертная		
ООО BEXRUZ-AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI	35	368124983	11	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО BEXRUZ-AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI	440 868 243.00	368 124 983.00	27.05.2022 16:28:31	
INVEST-2020 MCHJ	440 868 243.00	365 920 642.00	27.05.2022 13:14:47	
ООО BEHRUZ ABROR QURUVCHI	440 868 243.00	396 781 419.00	27.05.2022 16:18:09	
MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY	440 868 243.00	418 824 831.00	27.05.2022 12:39:18	50.00
BEHZOD KELAJAK NUR X K	440 868 243.00	415 200 000.00	27.05.2022 09:32:57	
ARABGUZAR-NURI XK	440 868 243.00	380 455 600.00	27.05.2022 16:25:06	

FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ	440 868 243.00	390 202 390.00	27.05.2022 15:33:11	
ООО Е'ЗОЗ-ОБИ НАВОТ LTD	440 868 243.00	400 000 000.00	27.05.2022 15:05:43	
М.М.О М.Ч.Ж. И.Т.К.Т	440 868 243.00	352 000 000.00	27.05.2022 15:17:33	
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	440 868 243.00	425 077 077.00	27.05.2022 16:13:55	49.26
ООО ЕКСПОРТ ТЕНГЕР СЕРВИС	440 868 243.00	418 824 831.00	27.05.2022 16:22:41	
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	440 868 243.00	385 000 000.00	27.05.2022 11:21:50	

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО БЕХРУЗ -АЗИЗБЕК QURUVCHI KELAJAGI	28.5		28.5
INVEST-2020 МЧЖ	30.5		30.5
ООО БЕХРУЗ АБРОР QURUVCHI	27.5		27.5
MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY	37.5	50	87.5
BEHZOD KELAJAK NUR X K	29		29
ARABGUZAR-NURI X K	29		29
FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ	26.5		26.5
ООО Е'ЗОЗ-ОБИ НАВОТ LTD	28.5		28.5
М.М.О М.Ч.Ж. И.Т.К.Т	32		32
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	33.5	49.26458	82.76458
ООО ЕКСПОРТ ТЕНГЕР СЕРВИС	31.5		31.5
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	29.5		29.5

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 89351 от 06.06.2022 года на приобретение Навоий шахар МТБ қарашли З-ДМТТ биноси жорий таъмирилаш ишлари определила победителем:

MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY
308789357

и резервный исполнитель: LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ (304209114)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Исмаилова Насиба Сафароффна	Согласен	
Член комиссии	Бадалов Низомиддин Мухторбоевич	Воздержался	бошка ишга утганилигим сабабли
Член комиссии	Ахмедова Мархабо Аслоновна	Согласен	
Член комиссии	Тилабов Шавкат Кўчимович	Согласен	

Член комиссии

Жураева Дилнавоз
Ибрагимовна

Согласен

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП